Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga



# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 87 «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида

Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсадида ҳамда 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. Қуйидагилар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш;

соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

соғлом болани вояга етказишда, патологияларсиз болалар туғилишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш;

соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса қиз болалар ўртасида



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga



жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва мададни кучайтириш, мазкур жараёнлар учун масъул бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза муассасаларида замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш, уларни ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор халқаро тажрибани кенг кўламда ўрганиш ва амалда жорий этиш;

соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, болаларни турли тўгаракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг ролини ошириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оилалар ва жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни ўз вақтида ва манзилли кўрсатиш борасида маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг масъулиятини кучайтириш;

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда унинг бажарилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларини фаол ишга тушириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги Р−4175-сонли фармойишига мувофиқ ташкил қилинган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Соғлом бола йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) зиммасига «Соғлом бола йили» Давлат дастурига киритилган тадбирлар амалда бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар сўзсиз, тўлиқ кўламда ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарликни юкласин;

икки ҳафта муддатда — вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga



кент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудий ва тармоқ «Соғлом бола йили» дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини;

тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун давлат ва хўжалик бошқарувининг республика органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражасида ишлар мувофиқлаштирилишини таъминласин, тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборот тақдим этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан Интернетнинг глобал тармоғини жалб этган ҳолда аҳоли орасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилишини;

Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида, унда назарда тутилган тадбирлар амалга оширилишида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий иштироки ва аниқ ҳиссаси акс эттирилган ҳолда, кенг жамоатчилик доимий равишда хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 19 февраль,
ПҚ–2133-сон



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2014 йил 19 февралдаги
ПҚ–2133-сон қарорига
ИЛОВА

## «Соғлом бола йили» Давлат дастури

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш** | | | | | | |
| 1. | «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил I чорак | ЎзМАА, ЎзА, Давлат алоқа қўмитаси, Бош прокуратура, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Болаларни улар онгини бузувчи, жароҳатловчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилишни, оммавий ахборот манбаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиб қилинишига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 2. | Янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил I чорак | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, Олий таълим вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги | - | - | Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни, шу жумладан:<br>ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишни;<br>жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришни;<br>юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир талабларни жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3. | «Аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлашнинг қонунчилик асосларини, шу жумладан:<br>болаларнинг таълим-тарбия, маданият, спорт ва бошқа муассасаларига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларни;<br>касалликлар профилактикаси бўйича талабларни, шу жумладан, аҳоли, айниқса болаларни эмлаш, соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишни таъминлашни;<br>мактабгача, умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асосларига ўқитишга доир чора-тадбирларни жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 4. | Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222–II-сонли «Лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил III чорак | Давлат тест маркази, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Нодавлат таълим фаолиятини лицензиялашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш ўрнига).<br>Мавжуд чекловларни бартараф этиш, унга мувофиқ нодавлат таълим фаолияти билан фақат муассаса шаклида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари шуғулланиши мумкин (аксарият мамлакатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда нодавлат таълим фаолияти асосан фойда кўриш мақсадида амалга оширилади). |
| 5. | Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги | 2014 йил IV чорак | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар масалалари бўйича комиссия, | - | - | Ёшларга оид сиёсатнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга, шу жумладан: |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | Адлия вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | | | ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашга;<br>ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини кучайтиришга;<br>вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 6. | «Ўзбекистон Республикасининг «Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Импорт қилинадиган ёки республикада ишлаб чиқарилувчи озиқ-овқат учун ишлатиладиган барча тузларни йод билан мажбурий тўйинтириш тўғрисидаги нормани киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 7. | «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2014 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Қуйидагиларни:<br>жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун маъмурий жарималар миқдорини оширишни;<br>жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилганлик ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарғиб қилинганлиги учун маъмурий жазо чораларини белгилашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори лойиҳаси. | 2014 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолининг репродуктив саломатлигини, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар сифатини янада яхшилашни ҳамда оналар ва болалар орасида касалланиш ва ўлим даражасини камайтиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи қарори лойиҳаси. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga



| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси. | 2014 йил II чорак | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | - | - | Қуйидагиларни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси:<br>ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунларини болаларнинг республика давлат музейларига бепул кириши кунлари этиб белгилаш;<br>аҳолининг музейларга бепул кириши учун ҳар йили «Музейлар ҳафталиги»ни ўтказиш;<br>аҳолининг, айниқса ўқувчи ёшларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш, тарихий ўтмишни ҳурмат қилишни ва тарихий қадриятларни эъзозлашни шакллантириш. |
| | **II. Соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш** | | | | | |
| 10. | Никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш.<br>Никоҳга кираётган шахсларнинг тиббий кўриги сифатини яхшилаш, улар ўртасида ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб бориш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 8 640,0 | Бюджет маблағлари | Соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш.<br>Юзага келиши мумкин бўлган ирсий ва туғма касалликлар сонини камайтириш.<br>Соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш. |
| 11. | Минтақаларда тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш. | Йил давомида | «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Аҳоли ўртасида тўй маросимларини ихчамлаштириш масаласида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 12. | Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 700 дан зиёд ёш оилага тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатиш. | Йил давомида | «Маҳалла»хайрия жамоат фонди, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1 000,0 | «Маҳалла» фонди маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган ёш оилаларнинг тинчлик-хотиржамлигини яхшилаш. |
| 13. | Оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, шу жумладан вилоятларда қуйидаги тадбирларни ўтказиш:<br>«Маънавият оиладан бошланади» мавзусида илмий-амалий конференциялар;<br>«Оилавий тарбия: тажриба ва келгуси вазифалар» мавзусида семинарлар;<br>«Оила — жамиятнинг муҳим бўғини», «Ватан тараққиёти оиладан бошланади», «Инсон маънавияти манбаи — она муҳаббати, отанинг муносиб ибрати ва авлодлар донишмандлиги», «Замонавий оилани шакллантиришда бой миллий ва оилавий анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг роли», «Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва таълим муассасасининг ҳамкорлиги», «Соғлом болани тарбиялаш — бизнинг умумий вазифамиз», «Бола тарбиясида оила ва маҳалланинг роли, аҳамияти ва масъулияти» каби тарғибот-ташвиқот тадбирлари;<br>«Энг намунали оила» танлови. | Жадвални тасдиқлаш — 2014 йил I чорак<br>Амалга ошириш — жадвалга мувофиқ | Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | 170,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Тадбирларни ўтказиш жадваллари. Конференциялар материаллари.<br>Миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, шунингдек мамлакатимиз келажагининг эгалари ва ижодкорлари бўлган соғлом, баркамол авлодни шакллантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 14. | Қуйидаги йўналишлар бўйича оилада болалар тарбиясини миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш юзасидан педагогик ва психологик тавсияларни ишлаб чиқиш:<br>оилада ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш;<br>соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш;<br>оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари, эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш;<br>оиланинг ҳуқуқий асослари. | Йил давомида | «Оила» илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, «Ижтимоий фикр» маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, ЎМКҲТ маркази, Халқ таълими вазирлиги | - | - | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Хотин-қизларга оилани мустаҳкамлашда ва фарзанд тарбиясида ёрдам кўрсатиш.<br>Эрта никоҳ ва ажримлар сонини камайтириш. |
| 15. | Оила институти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 йил<br>I чорак | «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Ёш авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ролини кучайтириш. |
| 16. | «Ёшлар» телеканали ва ҳудудий телеканалларда муайян оилалар мисолида «Мустаҳкам, соғлом оила» ток-шоусини ташкил этиш. | 2014 йил<br>II чорак | «Камолот» ЁИҲ, МТРК | 20,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар мисолида асрлар давомида шаклланиб, ўзини оқлаган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш. |
| 17. | Ўқувчи ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила бюджетини шакллантириш бўйича билимларини ошириш мақсадида тарғибот ишларини ташкил этиш, «Менинг оилавий бюджетим китобчаси», «Битирувчининг илк мустақил қадамлари» мавзусида буклет ва рисолалар чоп этиш. | Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, Германия омонат кассалари жамғармаси | 140,0 | Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси (Германия) маблағлари | Ёшларнинг оила бюджетини шакллантириш бўйича билимларини ошириш |
| 18. | Республика вилоятларида Ўзбек миллий киноси кунлари ўтказиш, унда оилавий қадриятларни эъзоз- | 2014 йил<br>III чорак | «Ўзбеккино» агентлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 60,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг тадбирларни ўтказиш жадвалини тасдиқлаш ҳақидаги қарори. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лаш ва тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий, илмий-оммабоп, бадиий-ҳужжатли фильмларни намойиш этиш. | | | | | Ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни ҳамда замонавий миллий кино санъатини тарғиб қилиш. |
| 19. | Соғлом турмуш тарзи бўйича интерактив портал яратиш, шу жумладан болалар, ўсмирлар, туғиш ёшидаги аёллар ва ёш ота-оналар учун. | 2014 йил II — IV чораклар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 120,0 (ишлаб чиқиш) 60,0 (қўллаб-қувватлаш) | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, грантлар ва кредитлар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи.<br>Ахборот ва интерактив хизматлар кўрсатиш учун ота-оналар, ўсмирлар, мутахассислар ва бошқаларга мўлжалланган алоҳида бўлимлари бўлган ягона ахборот портали яратиш. |
| 20. | Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, болалар касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва бошқа мавзулардаги ахборот-таълим материаллари тўпланган буклетлар ва плакатларни тайёрлаш ва аҳоли ўртасида тарқатиш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш (буклетлар, плакатлар ва бошқа материаллар). |
| 21. | Оилавий поликлиникаларнинг моддий-техника базаси ва ходимлари таркибини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш, шу жумладан:<br>6 та оилавий поликлиника қуриш ва реконструкция қилиш; | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 9 750,0 | Умумтаълим мактаблари ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Аҳолига, шу жумладан болалар ва аёлларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш.<br>Замонавий тиббиёт технологияларини ҳамда болалар касалликларини аниқлаш ва даволаш усулларини амалиётга жорий этиш.<br>Она ва бола саломатлиги соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари учун 750 нафар умумий амалиёт врачини Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ва тиббиёт олий таълим муассасаларида 10 ойлик курсларда қайта тайёрлаш.<br>7,2 минг нафар мутахассисни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида замонавий технологияларни жорий этишга ўқитиш. | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1 000,0<br>800,0 минг евро | Бюджет маблағлари<br>Ҳомийлар ва ЕС/ЮНИСЕФ «СУОМиД-2 фаза»/ лойиҳаси маблағлари | |
| 22. | Соғлом оилани шакллантириш асослари, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш, шу жумладан:<br>аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳасини амалга ошириш;<br>ОИВ-инфекциясининг олдини олиш ва тарқалишига қарши курашиш масалаларида аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ | 220,0<br>98,0 минг доллар | БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) маблағлари<br>БМТТД, ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш глобал жамғармаси маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари режаси.<br>Соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик, болалар парвариши, репродуктив саломатлик, ОИВ-инфекциянинг олдини олиш ва тарқалишига қарши курашиш каби масалалар бўйича аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш. |
| 23. | Аёлларнинг репродуктив саломатлигини қуйидаги йўллар билан яхшилашни амалга ошириш:<br>Замонавий контрацептик воситаларни жорий этишни давом эттириш, соғлиқни сақлаш тизимининг репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича бирламчи муассасалари ходимларининг малакасини яхшилаш; | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 350,0<br>2,76 млн евро<br>50,0 минг доллар | Бюджет маблағлари<br>KfW маблағлари (Германия)<br>ЮНФПА маблағлари | Бажарувчиларнинг комплекс тадбирлари.<br>Аёлларни туғруққа сифатли тайёрлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, абортлар сонини камайтириш, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг олдини олиш.<br>Тиббиёт ходимларининг маслаҳат бериш бўйича малакасини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Наманган вилоятида ҳомиладорларнинг туғруқдан олдинги уй картасини такомиллаштириш ва жорий қилиш. | | | 80,0 минг евро | KfW маблағлари (Германия) | Наманган вилоятида ҳомиладор аёлларнинг уй карталарини синов асосида жорий этиш, кейинчалик уни бутун мамлакатга татбиқ этиш. |
| 24. | Қуйидагилар йўли билан аёллар, болалар, ўсмирларнинг кўрсатиладиган сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишини таъминлаш: | Жадвални тасдиқлаш — 2014 йил I чорак | ССВ, «Соғлом авлод учун» фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Молия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | Бюджет маблағлари, «Соғлом авлод учун» фонди, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Кўрикларни ўтказиш жадвали. |
| | тиббиёт олий таълим муассасалари, республика ва вилоятлардаги даволаш-профилактика муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида жойларда ойда бир маротаба манзилли «Фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги»ни ўтказиш; | Амалга ошириш — жадвал бўйича | | 120,0 | | Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли, айниқса, фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг касалликка чалинишини пасайтириш. |
| | чекка ҳудудлардаги туманларда 145 минг аҳолини «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш; | | | 300,0 | | Аҳолининг кенг қатламларини тиббий кўрик билан қамраб олиш. Репродуктив саломатликни яхшилаш ва соғлом оилани шакллантириш, эрта никоҳларнинг олдини олиш. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш. |
| | чекка ҳудудлардаги ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга манзилли мурувват ёрдами кўрсатиш. | | | 880,0 | | Экологик ноқулай бўлган ҳудудлар аҳолисини, айниқса, аёллар ва болаларни тиббий кўрик билан тўлиқ қамраб олиш. |
| | Республиканинг экологик ноқулай ҳудудлари аҳолисига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун «Саломатлик» поездларини ташкил этиш. | 2014 йил II-III чораклар | | 200,0 | | Турли касалликлар ривожланишининг олдини олиш, беморларни ўз вақтида соғломлаштириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 25. | Оилаларни соғломлаштириш учун Жиззах вилоятидаги «Ҳавотоғ», Наманган вилоятидаги «Чортоқ», Тошкент вилоятидаги «Ботаника», Хоразм вилоятидаги «Хонқа», Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш йўли билан шарт-шароитларни яхшилаш. | 2014 йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 10 100,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари | Санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Оилаларни соғломлаштириш ва дам олиши самарадорлигини ошириш. |
| 26. | Қуйидагиларни ташкил этиш йўли билан аёллар ва қизларни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб қилишни, шунингдек оилавий спортни ривожлантириш: | | Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ОЎМТВ, ХТВ, ЎМКҲТ маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» фонди, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баённомаси.<br>Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш. |
| | Аёллар ўртасида «Аёллар спорт фестивали» республика фестивалини ўтказиш; | 2014 йил II чорак | | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| | Уй бекалари ва қизлар ўртасида «Гимнастика барча учун» спорт мусобақаларини ўтказиш; | 2014 йил III чорак | | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| | «Соғлом оила» оилавий мусобақаларини ва аёллар ўртасида «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида фестиваллар ташкил қилиш. | 2014 йил II-III чораклар | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» фонди, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ | 90,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| 27. | Мактаблар, коллежлар, лицейлар, маҳалла гузарларидаги мавжуд спорт заллари, майдончалари ва иншоотларидан оилавий спорт ва ижодий тўгараклар ташкил этиш учун фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | Йил давомида | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажатлар бажарувчиларнинг қарори билан белгиланади | Бажарувчиларнинг қарорлари | Бажарувчиларнинг комплекс тадбирларни тасдиқлаш тўғрисидаги қўшма қарори.<br>Маънавий етук, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашни таъминлаш мақсадида оила, таълим муассасаси ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 28. | Қуйидагилар йўли билан оилаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун зарур шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш, жумладан:<br>130 та маданият ва бўш вақтни ўтказиш марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;<br>15 та маданият ва дам олиш хиёбонлари қуриш, 21 тасини реконструкция қилиш, 8 тасини таъмирлаш;<br>ҳар бир уй-жой массивида замонавий ва хавфсиз болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуриш. | Йил давомида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, Давлат статистика қўмитаси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | <br>50 200,0<br>84 500,0<br>Харажатлар ҳажми лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг белгиланади | Ҳокимликлар, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш. |
| 29. | Электр-маиший техника воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни олиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ҳисобига аёлларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор ташвишларини енгиллаштириш: | 2014 йил давомида | «Ўзэлтехсаноат» АК, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари | 13 000,0<br>50 000,0 | Бажарувчилар маблағлари<br>Тижорат банклари кредитлари | Маҳаллий электр-маиший техника воситалари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва оилаларнинг таъминланганлиги даражасини ошириш. |
| 30. | Республиканинг 194 та туманининг чекка қишлоқларида таркибида «Гўзаллик салони», таъмирлаш ва тикув цехи, маиший техникага техник хизмат кўрсатиш пункти бўлган маиший хизмат кўрсатишнинг биттадан намунавий комплексларини очиш. | 2014 йил давомида | ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари | Харажатлар ҳажми лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг белгиланади | Тадбиркорлар маблағлари | Аёлларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш.<br>Янги иш ўринлари яратиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 31. | Кам таъминланган оилалардан 1000 нафар хотин-қизларга электр-маиший техника товарларини бепул бериш. | Йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 1000,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Хотин-қизларнинг уйдаги меҳнатини енгиллаштириш ва маиший шароитларини яхшилаш. |
| 32. | Қуйидагилар йўли билан аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш: | | | | | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишни рағбатлантириш, оилалар даромадларини ошириш.<br>Хотин-қизлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |
| | аёл тадбиркорларга, шунингдек ишловчиларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш; | Йил давомида | Марказий банк, «Микрокредитбанк» АТБ, бошқа тижорат банклари, Хотин-қизлар қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 600 000,0<br>67 061,0 | Тижорат банклари маблағлари<br>«Микрокредитбанк» АТБ маблағлари | |
| | бориш қийин бўлган чекка ҳудудларда «Бўлажак тадбиркор аёллар мактаби» лойиҳасини амалга ошириш; | Йил давомида | Хотин қизлар қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди | Келишилган ҳажмларда | Бажарувчилар маблағлари | |
| | тадбиркорлар учун «Кичик ва оилавий бизнес: муваффақиятли юритиш асослари» қўлланмасини чоп этиш; | 2014 йил II-III чораклар | «Тадбиркор аёл» уюшмаси, ССП | 50,0 минг доллар | Халқаро ташкилотлар грантлари | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган аёл тадбиркорлар ўртасидаги «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларининг ижтимоий аҳамиятга молик 15 та бизнес лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; | Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, ССП, «Микрокредитбанк» АТБ | 2 946,0 | Тижорат банклари, тадбиркорлар маблағлари | |
| | 6 та минтақа (Тошкент, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари)дан 1000 нафар қизни тадбиркорлик | 2014 йил II — IV чораклар | «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси | 120,0 минг доллар | ЕХҲТ лойиҳаси маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | асосларига ўқитиш ва уларнинг фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш. | | | | | |
| 33. | Хотин-қизлар бандлигини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш: | | | | | Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида бажарувчилар битими. |
| | Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги 5 та маҳаллада хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ахборот, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун «ягона ойна» тизимини ташкил этиш асосида «Заиф оилалар учун даромад олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ижтимоий ёрдамнинг янги дастурлари»ни амалга ошириш лойиҳаси; | Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Микрокредитбанк» АТБ | 50 минг евро | Европа Иттифоқи гранти | Аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оиланинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш, иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш. |
| | Кам таъминланган 110 та оила хотин-қизларининг иқтисодий билимларини ошириш, бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш йўли билан Мўйноқ туманида амалга оширилаётган «Қорақалпоғистон аёллари учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш» лойиҳаси; | 2014 йил I-II чораклар | Хотин-қизлар қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, «Микрокредитбанк» АТБ | 180,0 | «Микрокредитбанк» АТБ маблағлари | Аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш. |
| | Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида касаба уюшмалари ҳисобидан хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш лойиҳаси. | Йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 100,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори. Аёлларнинг бизнес соҳасида ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш. |
| 34. | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан бўлганларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш. | 2014 йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари, «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, ҚР Вазирлар Кенгаши, | 115 000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 35. | Қуйидагилар йўли билан «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш:<br>ёшларни, жумладан ёш оилаларни кичик бизнесга жалб этиш;<br>ёшларни бизнесни юритиш, молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш қоидаларига ўргатиш;<br>оилавий бизнесни ривожлантириши учун ёш оилаларнинг кредитлар ва грантлар олишига кўмаклашиш;<br>ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий маслаҳат марказлари ташкил этиш. | Йил давомида | ССП, Марказий банк, «Микрокредитбанк» АТБ, Халқ таълими вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, «Камолот» ЁИҲ | 250,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, грантлар | Бажарувчиларнинг қўшма чора-тадбирлари режаси.<br>Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва оилавий бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 36. | Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш. | 2014 йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари, «Камолот» ЁИҲ | 215 000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 37. | Намунавий лойиҳалар асосида 11000 та уй-жой қуриш йўли билан қишлоқ оилаларини қулай турар жойлар билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш. | Йил давомида | «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 1 760 000,0 жумладан:<br>755 000,0<br>1 005 000,0 жумладан:<br>105,8 млн доллар | Аҳолининг ўз маблағлари<br>Имтиёзли ипотека кредитлари<br>ОТБ маблағлари | Қишлоқ жойларда болаларни тарбиялаш учун муносиб шарт-шароитларни таъминлаш. |
| 38. | 2 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фоизсиз қарз ажратиш. | Йил давомида | Корхоналар ва ташкилотлар, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 3015,0 | Иш берувчилар маблағлари | Жамоавий шартномалар.<br>Хотин-қизлар ва ёш оилаларга ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш, ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 39. | Халқаро молия институтлари иштирокида оилалар ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш лойиҳаларини, жумладан: | Йил давомида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва республика шаҳарлари ва туманлари канализация тизимларини модернизация қилиш. |
| | Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба, Оқолтин туманлари марказлари ва қишлоқ пунктларида сув таъминотини яхшилаш; | | | 21,38 млн доллар | МАР кредити | |
| | Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш; | | | 9,51 млн доллар | МАР кредити | |
| | Дамхўжа минтақалараро сув қувурига Навоий ва Бухоро вилоятлари туман марказларини улаш орқали модернизация қилиш, Термиз шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш; | | | 7,14 млн доллар | ОТБ кредити | |
| | Қўқон ва Андижон шаҳарлари сув таъминоти ва канализация тизимларини, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани маркази сув таъминоти тизимларини реконструкция қилиш; | | | 37,08 млн доллар | ОТБ кредити | |
| | Андижон шаҳри канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш. Жиззах, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш; | | | 23,31 млн доллар | ОТБ кредити | |
| | Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш; | | | 13,36 млн доллар | МАР кредити | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Фарғона ва Марғилон шаҳарлари канализация тизимларини реконструкция қилиш;<br>Тошкент шаҳри канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш. | | | 0,5 млн доллар<br><br>15,0 млн доллар | ОТБ кредити<br><br>ИТБ кредити | |
| 40. | Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳисобидан:<br>қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш;<br>«Капарас» насос станциясидан ўтказиш камерасигача сув қувурининг иккинчи тармоғини қуриш;<br>Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация ҳудуди сув таъминоти ва канализацияси;<br>Қарши шаҳрининг канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш. | Йил давомида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, ТИАИСВ, Иқтисодиёт вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | <br>130 000,0<br>7 000,0<br>1 000,0<br>5 000,0 | Бюджет маблағлари | Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва республика шаҳарлари ва туманларининг канализация тизимларини модернизация қилиш. |
| **III. Соғлом болани вояга етказишда, патологияларсиз болалар туғилишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш** | | | | | | |
| 41. | Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг молиявий кўмагида ва замонавий болалар кўп ихтисосли марказини (IV даража) қуриш ва ускуналари билан жиҳозлаш. | 2014 — 2016 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси | 102,8 млн АҚШ доллари, жумладан 2014 йилда: 50,0 минг АҚШ доллари<br><br>6500,0 | Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси кредити<br><br>Бюджет маблағлари | Замонавий кам инвазив, жароҳат етказмайдиган технологияларни ва юқори аниқликдаги ускуналардан фойдаланган ҳолда даволашнинг юқори технологик ускуналарини жорий этиш йўли билан болаларни соғломлаштириш учун шароитни янада яхшилаш. |
| 42. | Қуйидагиларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш: | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, | | | Болалар тиббиёт муассасалари ҳамда қишлоқ туманлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази; | | ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 11 180,0 ва 641,45 минг евро | Халқ таълими ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш жамғармаси, KfW (Германия) | Ташхис қўйиш ва даволашнинг халқаро стандартларига мувофиқ болаларга малакали юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилаш.<br>Замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда кардиожарроҳлик операцияларини, кохлеар имплантация бўйича операцияларни, кам инвазив аралашувларни бажариш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш. |
| | Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси; | | | 7 800,0 ва 807,0 минг евро | | |
| | 13 та вилоят кўп тармоқли болалар марказлари, шу жумладан 2014 йилда 7 та марказда ва 2015 йилда қолган 6 та марказда ишларни тугаллаш; | | | 19 450,0 ва 3,19 млн евро | | |
| | 62 та туман тиббиёт бирлашмасида, шу жумладан 2014 йилда 14 та болалар ва 18 та туғруқ бўлимларида ишларни тугаллаш; | | | 163 010,0 | Халқ таълими ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси | |
| | 2014 — 2017 йилларда кўп тармоқли шаҳар (туман) поликлиникаларидаги болалар стоматология хоналарини янги стоматология ускуналари ва асбоблари билан қўшимча равишда жиҳозлаш. | | | 901,6 минг АҚШ доллари | «Саломатлик-3» (МАР) лойиҳаси маблағлари | |
| 43. | Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давом эттириш, шу жумладан: | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 196 210,0 жумладан: | Халқ таълими ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Аҳолига, шу жумладан оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш.<br>Оналар ва болалар касалланиши ва ўлимини камайтириш. |
| | вилоят ва шаҳарлардаги 58 та тиббиёт муассасасида реконструкция ва қурилиш ишларини олиб бориш; | | | 136 115,0 | | |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 8 та республика тиббиёт муассасасида реконструкция қилиш ишларини бажариш;<br>тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари ва инвентарь билан жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш. | | | 44 095,0<br><br>16 000,0 | | |
| 44. | Тиббиёт муассасаларини халқаро ва хорижий давлатлар грантлари ва кредит маблағлари ҳисобидан тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, шу жумладан:<br>туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, шаҳар поликлиникаларини;<br>Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини;<br>онкология муассасаларини;<br>Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини;<br>туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини ва вилоят даволаш-профилактика муассасаларини. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 15,0 млн АҚШ доллари<br>3,71 млн АҚШ доллари<br>37 млн АҚШ доллари, шундан 2014 йил: 200,0 минг АҚШ доллари<br>130,0 минг АҚШ доллари<br>500,0 минг АҚШ доллари | «Саломатлик-3» (МАР) лойиҳаси маблағлари<br>KfW (Германия) кредит маблағлари<br>ИТБ кредит маблағлари<br>KfW (Германия) кредит маблағлари<br>Япония Ҳукумати гранти | Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 45. | Болалар иммунизацияси дастурини эмлашларнинг янги турларини жорий этиш ва вакцинация кўламларини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, шу жумладан: | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Махсус профилактика усуллари орқали бошқариладиган инфекциялар бўйича эпидемиологик хотиржамликни таъминлаш.<br>Полиовирус штаммининг ёввойи айланишидан холи мамлакат мақомини қўллаб-қувватлаш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | миллий эмлаш календарига мувофиқ камида 97% контингентни профилактик эмлаш билан қамраб олишни таъминлаш;<br>ротавирус инфекцияси (2014 йил), пневмококк (2015 йил) ва инсон папилломаси HPV-вирусига қарши (2016 йил) янги вакциналарни амалиётга киритиш;<br>200,0 минг болани гепатит А га қарши эмлаш;<br>«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатлар тарбияланувчиларидан хавф гуруҳига кирувчи 5 минг болани гриппга қарши вакцинация қилиш. | Йил давомида<br>Йил давомида<br>2014 йил III-IV чораклар<br>2014 йил IV чорак | | 7 245,5<br>2014 йилда: 2,23 млн АҚШ доллари<br>9 000,0<br>210,0 | Бюджет маблағлари<br>Вакцинация ва иммунизация бўйича Глобал альянс маблағлари<br>«Тиббиёт дунёси» МЧЖ маблағлари<br>Бажарувчилар маблағлари | Марказий Осиёда биринчи марта ротавирус инфекциясига қарши вакцинациянинг профилактик эмлашларини миллий календарга киритиш.<br>Болаларда ич кетиш касалликларини 15 — 20 % га пасайтириш.<br>Мактабгача муассасаларнинг 3 ёшгача тарбияланувчилари орасида вирусли гепатит А билан касалланиш хавфини ва унинг асоратларини 20% га пасайтириш.<br>Ихтисослаштирилган муассасалар болаларининг заиф гуруҳлари орасида мавсумий грипп бўйича эпидемиологик хотиржамликни таъминлаш. |
| 46. | Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 6,6 млн болани ҳар йил ўтказиладиган чуқур тиббий профилактик кўригидан ўтказиш (қоннинг умумий ташхиси, флюорография текшируви, педиатр, стоматолог, невропатолог, эндокринолог, окулист ва бошқа мутахассисларнинг текшируви). | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги | 22 234,0 | Бюджет маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Касалланишнинг барвақт профилактикаси, болалар ва ўсмирлар касалланишининг олдини олиш ва ўз вақтида даволаш.<br>Болалар орасида юқумли касалликларни камайтириш. |
| 47. | Барча даражалардаги мактабгача тарбия муассасалари контингентига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш тартибини, шунингдек штат нормативларини такомиллаштириш, бунда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг асосий функционал | 2014 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Молия вазирлиги | 15 094,0 йил бўйича ҳисоблаб чиқишда, шу жумладан 2014 йилда: 7 547,0 | Бюджет маблағлари | Мактаблар, лицейлар, коллежлар ўқувчиларига, олий таълим муассасалари талабаларига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан ҳар бир таълим муассасасида тиббиёт ҳамшираси штатини жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш.<br>Ушбу тадбир: |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | вазифаларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уларни туман поликлиникаларига бириктириш;<br>тиббиёт ҳамшираси бўлмаган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим ва олий таълим муассасаларида тиббиёт ҳамшираси штатини киритиш (ўқувчилар ва талабалар сонини ҳисобга олиб 0,25 ставкадан кам бўлмаган);<br>дори-дармон билан таъминлаш тартиби, жумладан бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва препаратлар рўйхатини тасдиқлаш. | | | | | касалликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида ташхис қўйишни, болалар ўсиши ва камол топиши мониторингини олиб боришни, уларга зарур санитария-гигиена кўникмаларини сингдиришни;<br>эмлашларнинг миллий календарига мувофиқ болаларни ўз вақтида вакцинация қилишни, юқумли касалликлар, болалар жароҳати, кариес ва бошқа касалликларнинг олдини олиш тадбирлари ўтказилишини;<br>болалар ва педагоглар орасида санитария-маърифий ишлар олиб борилишини таъминлайди. |
| 48. | Қуйидагилар йўли билан йод тақчиллиги келтириб чиқарадиган болаларнинг касалланиши даражасини пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолаётган болаларни чуқур текшириш, шунингдек уларни соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;<br>хавф гуруҳига кирувчи болаларни (6 — 12 ёш) таркибида йод бўлган препаратлар (антиструмин, микройодид) билан таъминлаш. | Комплекс чора-тадбирлар режаси ва жадвални тасдиқлаш — 2014 йил I чорак<br><br>Амалга ошириш — йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | 125,0<br><br>673,6 | Бюджет маблағлари<br><br>Бюджет маблағлари | Комплекс чора-тадбирлар ва тиббий кўриклар ўтказиш жадвали.<br>Тиббий ёрдам сифатини ошириш, йод тақчиллиги ҳолатини барвақт аниқлаш, болалар орасида йод етишмовчилиги келтириб чиқарадиган касалликлар даражасини пасайтириш ва уларни соғломлаштириш.<br>Хавфли гуруҳга кирадиган (6 — 12 ёш) болаларни таркибида йод бўлган (антиструмин, микройодид) дори воситалари билан таъминлаб, жисмонан ва ақлан ривожлантиришни яхшилаш. |
| 49. | Болаларни республика клиникаларида ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш, шу жумладан:<br>ногирон болаларни Германия клиникаларида тезкор даволаш;<br>кам таъминланган оилалардаги 200 нафар юқори лаб ва қаттиқ | Йил давомида | «Соғлом авлод учун» фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 108,8 | «Соғлом авлод учун» фонди,<br><br>«Фриеденздорф интернейшнл» (Германия) ва «Save the children» (Корея) | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда туғма нуқсонлари бўлган ногирон болаларга кўрсатиладиган соғломлаштириш ва реабилитация тадбирлари ва хизматлари сифатини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган (100 бола) ва оёқларнинг туғма нуқсонлари (маймоқлик) ва бўйин қийшайиши билан боғлиқ туғма ортопедик касалликларга чалинган (100 бола) болани тезкор даволаш,<br>туғма юрак нуқсонлари билан туғилган ва сурункали остеомиелит билан касалланган болаларни соғломлаштириш ва тезкор даволаш;<br>куйишнинг асоратлари бўлган болаларни пластик операция қилиш. | | | | халқаро ташкилотлари маблағлари | Болалар ногиронлиги ва ўлимини пасайтириш. |
| 50. | Чақалоқлар, болалар ва ўсмирлар касалликларига ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш ва кенг қўллаш, шу жумладан:<br>туғма нуқсонлар ва ривожланишнинг аномалияларида реконструктив-тиклаш ва эндоваскуляр операциялар ўтказиш, шу жумладан туғма юрак нуқсонига чалинган 1200 нафар болани операция қилиш;<br>энг замонавий эшитиш имплантантларидан фойдаланган ҳолда кохлеар-имплантантияни жорий этиш, шу жумладан 2014 — 2016 йилларда 3 та операция қилиш, улардан 100 та операция — 2014 йилда;<br>қандли диабет касаллигига чалинган болалар ва ўсмирларни даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш; | <br>Йил давомида<br>2014 — 2016 йиллар<br>Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва клиникалар | <br>4 370,0<br>2014 йилда: 6 900,0<br>500,0 | Бюджет маблағлари, ҳомийлар ва бажарувчилар маблағлари | Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида, илмий-тадқиқот институтлари ва клиникаларда юқори технологик диагностик ва тезкор аралашишни қўллаган ҳолда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам бериш.<br>Вилоят муассасаларида даволашдан кейин болаларни уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда реабилитация қилиш.<br>Болалар ногиронлиги ва ўлими даражасини пасайтириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | туғма сон бўғини чиқиши, тирсак суякларининг синиши ва сколиозларни тезкор даволаш;<br>гидроцефалияда, бош ва орқа мия ўсмаларида, умуртқа поғонасида нейрохирургик операцияларни қўллаш. | Йил давомида<br>Йил давомида | | 400,0<br>400,0 | | |
| 51. | Онкогематологик касалликларга чалинган (лейкоз, талассемия) болаларни дори препаратлари билан бепул таъминлаш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | 9 108,9 | Бюджет, ҳомийлар маблағлари, грантлар | Лейкоз ва талассемияга чалинган болаларнинг республика регистрини ташкил этиш, уларни минтақавий болалар гематология муассасаларида диспансер ҳисобига олишни таъминлаш, Гематология илмий-тадқиқот институтига ахборот бериш.<br>Даволашнинг доимий мониторингини олиб бориш, даволашнинг юқори технологик усуллари самарадорлигини илмий таҳлил қилиш.<br>Лейкозга чалинган болалар ўлимини 50 фоизга қисқартириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва 5 йил яшаш кўрсаткичларини 40 фоиздан 90 фоизгача ошириш. Талассемияга чалинган болалар ўлимини 70 фоизга пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, 25 йил яшаш кўрсаткичларини 10 фоиздан 90 фоизгача ошириш. |
| 52. | 2014-2015 йилларда болалар тиббий-ижтимоий муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан:<br>Тошкент шаҳрида 1-«Муруввват» болалар интернат-уйининг ногирон болалари учун 150 ўринли ётоқхона корпусининг янги биносини қуриш; | 2014 йил II-III чораклар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | 12 530,0 (2014 йилда: 1 250,0)<br>жумладан:<br>3 800,0 (2014 йилда: 380,0) | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Ногирон болаларнинг яшаш шароитларини ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Фарғона шаҳрида «Мурувват» болалар интернат-уйида 200 ўринли асосий ётоқхона корпусини ва ошхонани реконструкция қилиш;<br>Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Мурувват» болалар интернат-уйининг 180 ўринли ётоқхона корпусини ва ошхонани реконструкция қилиш, мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;<br>Қарши шаҳридаги «Мурувват» болалар уйининг 1 — 3 ётоқхона корпусларини мукаммал таъмирлаш, мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;<br>Бухоро шаҳридаги «Мурувват» болалар интернат-уйини мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | | | 4 000,0 (2014 йилда: 400,0)<br>4 000,0 (2014 йилда: 400,0)<br>500,0 (2014 йилда: 50,0)<br>230,0 (2014 йилда: 20,0) | | |
| 53. | 2014-2015 йилларда Нукус, Андижон, Қарши ва Навоий ногиронларни реабилитацияси марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан:<br>даволаш корпусларини мукаммал таъминлаш;<br>мебель ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш. | 2014-2015 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 2 972,0 ундан, 2014 йилда: 300 млн<br>жумладан:<br>2 321,3<br>650,7 | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари, грантлар | Ногиронларга, шу жумладан ногирон болаларга замонавий тиббий ускуналарни қўллаган ҳолда кўрсатиладиган реабилитация хизматлари сифатини яхшилаш. |
| 54. | Имкониятлари чекланган ва ижтимоий заиф оилаларнинг болаларини ижтимоий-психологик, тиббий қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Самарқанд ва Қарши филиалларини ташкил этиш ва уларни махсус тиббиёт ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш. | Йил давомида | Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | 3900,0 | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Болаларнинг ижтимоий мослашуви учун шарт-шароитларни таъминлаш, имкониятлари чекланган ва ижтимоий заиф оилаларнинг болалари бўлган болаларга ижтимоий-психологик, тиббий кўмак бериш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 55. | Қуйидагилар йўли билан психик функцияларни, кўриш, эшитиш, нутқ, тафаккур, хотира ва ҳаракатланишни ривожлантириш учун ногирон болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича илғор хорижий технологияларни жорий этиш: | Йил давомида | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | | Ҳомийлар ва бажарувчилар маблағлари, грантлар | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштиришни таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш. |
| | Бухоро, Қарши, Фарғона, Қўрғонтепа шаҳарларида ногирон болалар учун «Мурувват» уйларида сенсор хоналар ташкил этиш; | | | 120,0 | | |
| | болалар церебрал параличи, аутизм ва ақлий қолоқликка чалинган, Тошкент шаҳридаги 1 ва 2-сон «Мурувват» уйларида тарбияланаётган 500 нафар ногирон болани, шунингдек Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида даволанаётган ва реабилитация қилинаётган болаларни иппотерапия (отларда коррекция машғулотлари) дастури бўйича шуғулланиш учун бепул абонементлар билан таъминлаш. | | | 150,0 | | |
| 56. | Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: | | | | | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Аҳолининг заиф қатламларини ва ихтисослаштирилган муассасаларни қўллаб-қувватлаш.<br>Етим болаларни ва имкониятлари чекланган болаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш. |
| | «Болалар учун пойабзал» лойиҳаси доирасида барча ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари ва «Мурувват» уйлари учун 72 минг жуфт болаларнинг ёзги ва қишки пойабзали билан таъминлаш; | Йил давомида | «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» фондлари, «TOMs SHOES», «Амери Керз» (АҚШ) халқаро ташкилотлар, Халқ таълими вазирлиги | 504,0 минг АҚШ доллари | Ҳомийлар маблағлари | |
| | имкониятлари чекланган болаларга 550 та ногиронлар аравачаси ва ортопедик анжомлар ажратиш; | Йил давомида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 23,0 минг АҚШ доллари | Ҳомийлар маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | республиканинг ҳар бир ҳудудида биттадан «Мурувват» уйига ҳомийлик кўмаги кўрсатиш. | Йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 180,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | |
| 57. | Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳузуридаги ногирон болаларга барвақт ёрдам бериш хизматини жорий этишни кенгайтириш. | Намунавий низомини ишлаб чиқиш — 2014 йил I чорак Амалга ошириш — йил давомида | Республика болаларни ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари | 72,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Барвақт ёрдам бериш хизматларини ташкил этиш тўғрисидаги Намунавий низом.<br>Болалар орасида ногиронлик даражасини пасайтириш. |
| 58. | Қуйидагиларни амалга ошириш йўли билан туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастурини амалга оширишни давом эттириш:<br>Республика скрининг марказида ва унинг ҳудудий филиалларида ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар орасида пренатал ва неонатал скрининг ўтказиш;<br>соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида ҳомиладор аёлларнинг оммавий барвақт принатал скринингини ўтказиш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» фонди | 2,0 млн АҚШ доллари | Бюджет маблағлари | Ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган ва ирсий касалликларга чалинадиган болалар туғилишининг олдини олиш.<br>Туғма ва ирсий касалликларга чалинган болаларни барвақт аниқлаш ва даволаш.<br>Болалар ногиронлиги ва ўлими даражасини пасайтириш. |
| | Қишлоқ туманларида яшовчи камида 400 минг ҳомиладор аёлни таркибида шу жумладан фолий кислотаси бўлган умумий қувватлантирувчи фолий витаминларнинг махсус комплекслари билан бепул таъминлаш тартибининг амал қилишини 2014 — 2016 йиллар даврига узайтириш. | | | 3 500,0 | Бюджет маблағлари | Аёллар ва болаларда микронутриент етишмовчилиги даражасининг олдини олиш ва уни пасайтириш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 59. | Қуйидагилар йўли билан ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга перинатал ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш:<br>11 та перинатал марказни замонавий тиббиёт ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш;<br>Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари тузилмасида неонатал жарроҳлик бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш;<br>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган замонавий перинатал технологияларни, шу жумладан, самарали перинатал парвариш қилиш, кечиктириб бўлмайдиган акушерлик ёрдами, болалар ёшидаги касалликларни интеграциялашган юритиш, кўкракдан эмизиш ва чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси бўйича жорий этиш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1,7 млн евро, 30,0 минг АҚШ доллари | ЕС/ЮНИСЕФ «СУОМиД фаза-2», ЮНФПА лойиҳалари маблағлари | Перинатал марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш.<br><br>Ҳомиладор аёлларга, янги туққанларга ва чақалоқларга сифатли тиббий ёрдам беришни ошириш.<br>Акушер-гинекологлар, неонатологлар, анестезиолог-реаниматологлар, акушеркалар ва тиббиёт ҳамшираларнинг малака ва кўникмаларини ошириш.<br>Оналар ва чақалоқлар касаллиги ва ўлими даражасини пасайтириш. |
| 60. | Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираси юкламасини 1,5 баробар қисқартириш, айни вақтда уларга узоқ муддат хизмат қилганлик учун рағбатлантирувчи устамалар миқдорини икки баравар ошириш ҳисобига бириктирилган аҳоли, энг аввало, ҳомиладор аёллар ва чақа- | Йил давомида | ССВ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | бир йил учун ҳисоблаб чиқишда 33114,0 млн сўм, жумладан 2014 йилда 24835,0 млн сўм | Бюджет маблағлари | Ҳомиладор аёллар, чақалоқлар ва болаларни потронаж кузатиш сифатини яхшилаш.<br>Аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лоқларни патронаж кузатишни кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш. | | | | | |
| 61. | Қуйидагилар йўли билан ОИВ/ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олиш ва унга чалиниш ҳолатларини қисқартириш тадбирларини амалга оширишни давом эттириш:<br>ОИВнинг онадан болага ўтиши профилактикаси соҳасида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ва туғруққа кўмаклашиш тизими врачларининг билимлари ва малакасини такомиллаштириш;<br>ОИВ-инфекциясига чалинганларни дори воситалари билан таъминлаш, лаборатория-диагностика тадқиқотларини такомиллаштириш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 160,0 минг доллар<br>2,3 млн доллар | ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал фонд, ЮНИСЕФ, ЮНФПА гранти | ОИВга барвақт ташхис қўйиш бўйича миллий протоколларни тасдиқлаш ва жорий этиш.<br>ОИВ/ОИТС муаммолари бўйича соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини врачларининг билимлари даражасини ошириш. Аёллар, болалар ва ўсмирлар орасида ОИВ/ОИТС тарқалиши даражасини барқарорлаштириш ва пасайтиришга эришиш.<br>ОИВ-инфекциясига барвақт ташхис қўйиш ва касалликларнинг оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш. ОИВ-инфекциясига чалинганларга кўрсатиладиган даволаш-профилактика ва диагностика хизматлари сифатини ошириш. |
| 62. | 2010 — 2014 йилларда силнинг резистент шакллари кенгайиши муносабати билан Ўзбекистонда DOTS дастурини (сил профилактикаси ва уни даволаш) жамлаш ва кенгайтириш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги | 12,0 млн доллар | ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал фонд гранти | Силга қарши муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш.<br>Силга чалинган беморларни барвақт аниқлаш ва даволаш. |
| 63. | Республика минтақаларини тиббиёт кадрлари билан мустаҳкамлаш учун клиник ординатура тизимида 1300 нафар юқори малакали мутахассислар, шу жумладан 350 нафар педиатрия ихтисослари мутахассисларини тайёрлаш.<br>Яқин ва узоқ хориж мамлакатларининг етакчи тиббиёт марказлари ва клиникаларида 500 нафар мутахассиснинг, шу жумладан | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббиёт олий таълим муассасалари<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, | 8 372,0<br>500,0 минг доллар | Бюджет маблағлари, таълим олаётганларнинг шахсий маблағлари<br>Ҳомийлар маблағлари, грантлар | Минтақаларни юқори малакали педиатрия ихтисослиги бўйича тор доирадаги мутахассислар билан таъминлаш.<br>Болалар ва оналарга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, болалар ва оналарнинг касалликка чалиниши ва ўлими кўр- |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 230 нафар педиатр, акушер-гинекологлар ва тиббиёт ҳамшираларининг ўқиши ва стажировкасини ташкил этиш. | | инвестициялар ва савдо вазирлиги | | | саткичларини пасайтириш. |
| 64. | Қуйидагилар йўли билан болалар ва ўсмирларга сифатли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш:<br>бемор болаларни ихтисослаштирилган марказларга йўллашнинг аниқ тузилмаси билан биргаликда ихтисослаштирилган ёрдамга муҳтож бўлган бемор болаларни даволаш бўйича қўлланмалар ва протоколларни ишлаб чиқиш;<br>болаларга юқори технологик, ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббиёт маркази, ТошПТИ клиникалари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг раҳбарлари ва мутахассислари салоҳиятини ошириш. | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 250,0 минг евро | Германия Ҳукуматининг гранти ва кредити | Бемор болаларни даволаш бўйича қўлланмалар ва протоколларни ишлаб чиқиш.<br>Болалар тиббиёт муассасалари ишини ташкил этишни ва уларни моддий-техник таъминлашни, шунингдек уларнинг амбулатория-поликлиника бўғини билан ўзаро ҳамкорлигининг узвийлигини яхшилаш.<br>Тиббиёт марказларида ўрин фондидан оқилона фойдаланиш, ташхис ва даволаш ишларини такомиллаштириш.<br>Болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, болалар ўлими даражасини пасайтириш. |
| 65. | Асосий болалар касалликлари бўйича ташхис ва даволашнинг стандартларини ишлаб чиқиш ва «Врач-педиатрнинг кундалик китоби»ни нашр этиш, китобнинг Интернет тармоғидаги ва заруриятга кўра янгиланадиган интерактив версиясини яратиш. | 2014 йил III чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | 40,0<br>10,0 минг доллар | Бюджет маблағлари<br>ЮНИСЕФ маблағлари | Болалар ва ўсмирлар касалликлари профилактикаси ва уларни даволашга стандартлаштирилган ва табақалаштирилган ёндашувни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш** | | | | | | |
| 66. | Қуйидагиларни назарда тутувчи 2015 — 2020 йилларда болаларни айниқса қишлоқ жойларда мактабга тайёрлашни яхшилашга йўналтирилган мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;<br>болаларни қамраб олишнинг паст кўрсаткичларига эга бўлган аҳоли пунктларида мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шунингдек мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек янги муассасалар қуриш;<br>болаларни мактабгача таълим билан 45 фоизгача қамраб олишни таъминлаш учун мавжуд қувватлардан фойдаланиш коэффициентини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;<br>болани ўқитиш, ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш масалаларини ўз ичига олувчи, шунингдек болалар билан психологлар ва дифектологларнинг мажбурий ишлашини назарда тутувчи таълим талабларига мувофиқ болаларни мактабга тайёрлашнинг принци- | 2014 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 2014 йилда: 300,0 | Бюджет маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.<br>Мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг касбий даражасини ошириш.<br>Ҳар бир мактабгача таълим муассасасида оммавий типдаги дефектолог-мутахассис лавозимини жорий этиш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | пиал жиҳатдан янги дастурларини тайёрлаш ва жорий этиш;<br>малака тоифалари берган ҳолда мактабгача муассасалар ходимларининг аттестацияси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мактабгача таълим муассасалари ходимларини тайёрлашни такомиллаштириш ва малакасини ошириш. | | | | | |
| 67. | Мактабгача таълим муассасаларини болалар интеллекти, мантиқий фикрлаши барвақт ривожланишига кўмаклашувчи ва ҳаракатланишни ривожлантирувчи кўргазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, мантиқий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминлаш. | 2014 йил IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 3 440,4<br><br>7 | Бюджет маблағлари | Болалар мактабгача муассасаларини таълим-тарбия жараёни сифатини оширувчи ўқув-методик материаллар ва ресурслар билан таъминлаш. |
| 68. | Мактабгача таълим муассасаларида мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг қисқа вақт бўладиган 1220 та гуруҳини ташкил этиш. | 2014 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, ЮНИСЕФ | 5 392,0 | Бюджет ва аҳоли маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кўпайтириш ва болаларни мактабга тайёрлашни яхшилаш |
| 69. | «Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурини амалга ошириш доирасида:<br>марказларнинг жиҳозланганлиги даражасини хатловдан ўтказиш ҳамда болалар техник ижодкорлигини ривожлантиришга, техник воситалар, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тўгараклар ишини, шунингдек чет тилларини ўрганишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларни қўшимча равишда жиҳозлаш ва сарфлаш материаллари | 2014 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | 43 000,0 | Бюджет маблағлари | «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ижод билан шуғулланувчи болалар қамраб олинишини кўпайтириш.<br>«Баркамол авлод» болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни такомиллаштириш.<br>2014 йилда 66 та марказни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш назарда тутилади. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;<br>«Баркамол авлод» марказларининг бюджетдан ташқари маблағларидан (болаларнинг ўқиши учун ота-оналар тўлови) фойдаланиш тартибини такомиллаштириш. | | | | | |
| 70. | 2009 — 2014 йилларда ташкил этилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасидан ва шарт-шароитларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан:<br>ҳар бир мактабда мусиқа, рақс, инструментал ва вокал болалар ижодий жамоаларини ташкил этиш;<br>мактабларни дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда замонавий ва классик бастакорларнинг мусиқа асарлари тўпламлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;<br>бюджетдан ташқари маблағлардан (ота-оналар тўловидан) фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, шу жумладан уларни маҳорат дарслари ва кўрик-танловлар тадбирларини ташкил этишга, фестиваллар, танловлар, кўргазмалар, ижодий мактабларда қатнашишга, шунингдек ўқувчилари танловларда юқори натижаларга эришаётган ўқитувчилар ва концертмейстерларни рағбатлантириш механизмини кенгайтиришга йўналтириш; | Тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш — 2014 йил I чорак<br><br>Амалга ошириш — йил давомида, шу жумладан: 2014 йил II чорак 2014 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги | 334,9 | Бюджет маблағи | Болалар ва ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш.<br><br>Болалар мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тушувчи ота-оналар тўловидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш. Ўқитувчилар ва концертмейстерларни рағбатлантириш механизмини кенгайтириш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўқитувчилари ва концертмейстерлари малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш. | 2014 йил IV чорак | | | | |
| 71. | Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан: | | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | | | Бошланғич синфларда таълимнинг юқори сифатини таъминлаш учун шарт-шароитларни яхшилаш, ўқув дастурлари ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. |
| | 1 — 4 синфлар учун шу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари ва дарсликларни танқидий қайта кўриб чиқиш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш; | 2014 йил III чорак | | | | |
| | илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини бошланғич синфлар ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш; | 2014 — 2017 йиллар | | 2014 йилда: 678,8 | Бюджет маблағлари | Бошланғич синфлар ўқитувчиларини методик тавсиялар билан таъминлаш. |
| | бошланғич синфлар дарсликлари учун мультимедиа ишланмаларини босқичма-босқич ишлаб чиққан ҳолда ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиатехнологиялардан фойдаланишни кенгайтириш. | 2014 — 2017 йиллар | | 2014 йилда: 147,9 | Бюджет маблағлари | Ўқитишнинг ўйинли шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларини бошланғич синфларда ўқитиш амалиётига кенг жорий этиш. |
| 72. | Мактабгача ва умумий ўрта таълим методистлари, мактабгача таълим муассасалари дефектологлари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлар логопедларининг асосий вазифалари ва функцияларини танқидий қайта кўриб | 2014 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | 11 666,0 | Бюджет маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | чиқиш, уларга юкланган вазифалар доирасини ва улар иши натижаларини баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш.<br>Методистлар, дефектологлар, логопедларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини, муассасаларнинг улар билан таъминланганлигини яхшилаш, шу жумладан ушбу лавозимларни жорий этиш нормативларини қайта кўриб чиқиш ва уларни моддий рағбатлантириш чораларини кўриш. | 2014 йил сентябрдан бошлаб амалга ошириш | | | | |
| 73. | Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан:<br>халқ таълими тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари фаолиятини ҳар томонлама танқидий ўрганиб чиқиш;<br>2015 — 2018 йилларда халқ таълими тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;<br>такомиллаштирилган ўқув дастурларини, маърузалар матнлари ва бошқа амалий материалларни ишлаб чиқиш; | Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш — 2014 йил II чорак<br>Амалга ошириш — 2014 йил III-IV чораклар | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | 4 487,0 | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.<br>Таълимнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда илғор халқаро ва мамлакатимиз тажрибаси оқилона бирга қўшиб олиб борилишини таъминлаш.<br>Халқ таълими тизими барча ходимларининг ўз вақтида малака оширишдан ўтишлари учун шароитлар яратиш.<br>Педагогик кадрларни методик таъминлашни ва ўқув-тарбия жараёни сифатини яхшилаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | халқ таълими тизими методистлари ва бошланғич синфлар ўқитувчилари иш ҳақини тенглаштириш. | | | | | |
| 74. | 2014-2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 2,6 млн ўқувчисини 575 номдаги 25,0 млн нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш. | 2014 йил август-сентябрь | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги | 59 764,0 | Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағи | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар мажмуи билан таъминланганлигини яхшилаш. |
| 75. | Қуйидагилар йўли билан иқтидорли болаларнинг интеллектуал қобилиятларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш: | | Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКҲТ маркази | | | Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қобилиятларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, мониторинг олиб бориш ва уларнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш. |
| | айрим фанларни чуқур ўрганган ҳолда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва нашр этиш; | 2014 йил III чорак | | 108,0 | Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағи | Таълим турларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълимнинг 18 та фани бўйича такомиллаштирилган ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш. |
| | айрим фанларни чуқур ўрганган ҳолда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг бошланғич синфларида куни узайтирилган гуруҳларнинг самарали фаолиятини таъминлаш; | 2014 йил II чорак | | | | Айрим фанларни чуқур ўрганган ҳолда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун замонавий дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш. |
| | иқтидорли болаларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш ва янада ривожлантириш, уларнинг халқаро фан олимпиадаларида иштирокини таъминлаш; | Таклифлардан келиб чиқиб | | 53,1 | Бюджет маблағлари | Иқтидорли болалар билан ишлаш механизмини яхшилаш, шу жумладан уларнинг халқаро фан олимпиадаларида иштирок этишини таъминлаш. |
| | «Билимлар беллашуви» мусобақаси доирасида ўқувчилар билимлари сифатини аниқлашнинг такомиллаштирилган механизмини жорий этиш. | Йил давомида | | | | «Билимлар беллашуви» мусобақаси доирасида ўқувчилар билимлари сифатини аниқлашнинг такомиллаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 76. | Қуйидагиларни ташкил этиш йўли билан Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг молиявий қўллаб-қувватлаши билан «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасини амалга ошириш:<br>Босма нашрлар, аудио-, видео ва фотоматериалларни сканирлаш ва электрон форматга ўтказиш маркази;<br>Миллий китоб ва босма нашрлар транслитерацияси, мультимедиа ва электрон дарсликларни, аудиокитоблар ва аудионашрларни шакллантириш бўйича мультимедиа ахборот ресурслари маркази;<br>интеграциялаштирилган ахборот-кутубхона маркази, 2015 йилда 20 та йирик ахборот-кутубхона муассасасини, 2016 — 2018 йилларда мамлакатнинг 2000 та ахборот-ресурс марказларини, 2020 йилгача мамлакатнинг қолган барча ахборот-кутубхона муассасаларини унга улаш. | Ҳисоб-китоб ва жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш — 2014 йил II-III чораклар<br>Амалга ошириш — 2014-2015 йиллар | Молия вазирлиги, Давлат алоқа қўмитаси, А.Навоий номидаги Миллий кутубхона, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий банк | 14,6 млн доллар<br>85,0 | Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли қарзлари<br>Бюджет маблағлари | «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>Лойиҳани амалга ошириш жадвалини тайёрлаш.<br>Лойиҳани амалга оширишнинг беш йили мобайнида А. Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг фондини, шунингдек 2020 йилгача мамлакатнинг ахборот-кутубхона муассасалари фондини (10 млн сақлаш бирлиги) электрон шаклга ўтказиш (рақамлаш). |
| 77. | Жойнинг ўзига чиқиб барча «Меҳрибонлик» уйлари, ақлий ва жисмоний нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар ва мактабгача муассасалар, санаторий типидаги интернатлар фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини, шунингдек болаларнинг тегишли контингенти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳудудий жойлаштириш схемасини ўрганиш. | 2014 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Бажарувчиларнинг қарори.<br>«Меҳрибонлик» уйлари тармоғини мақбуллаштириш ва ота-оналар васийлигисиз қолган болалар учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ўрганиб чиқиш якунлари бўйича:<br>ушбу муассасаларни ҳудудий жойлаштиришни мақбуллаштириш;<br>2015 — 2017 йилларда моддий-техника базани босқичма-босқич мустаҳкамлаш, кийим-бош, пойабзал, юмшоқ ва қаттиқ инвентарь, санитария-гигиена буюмлари билан таъминлаш нормативларини қайта кўриб чиқиш;<br>болаларни ҳаётга мослаштириш бўйича ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ва ахборот-коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 78. | Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини модернизация қилиш бўйича (БЎСМ ва ОЗБЎСМ) 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича кўзда тутиладиган:<br>фаолият олиб бораётган БЎСМларни (500 дан ортиқ) уларнинг моддий-техника базасидаги буюмларни, малакали тренерлар билан таъминланганлигини ва ҳудудий жойлашишини мақбуллаштирилишни ўрганиш юзасидан тўлиқ хатловдан ўтказиш;<br>асосий олимпия спорт турлари бўйича фаолият олиб бориш учун шароитлар яратиш, спорт заллари ва майдонларини қуриш, реконструкция қилиш; | 2014 йил III чоракда — дастурларни ишлаб чиқиш<br><br>2015 — 2019 йилларда — амалга ошириш | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Республиканинг барча ҳудудларида болаларни, айниқса қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кўпроқ қизиқтириш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш.<br>Соғлом, баркамол авлодни шакллантириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | зарур бўлган спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш;<br>юқори малакали тренерлар, инструкторлар ва мутахассислар, айниқса хотин-қизлар орасидан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш;<br>ўқув-машғулот жараёнларида ташкилий-методик ва тиббий ёрдам билан таъминлаш. | | | | | |
| 79. | Барча умумтаълим мактабларини спорт заллари билан қамраб олишни таъминлаш бўйича 2015 — 2020 йилларга мўлжалланган дастурни тайёрлаш ва тасдиқлаш, (камқувватлилари бундан мустасно) умумтаълим мактабларида қурилаётган спорт заллари сонини икки баробарга ошириш. | 2014 йил III чоракда Дастурни ишлаб чиқиш, 2015 — 2020 йилларда — амалга ошириш. | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | - | - | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шароитни яхшилаш. |
| 80. | «Ёшлик» жисмоний-спорт жамияти фаолиятини танқидий ўрганиш асосида унинг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали келгусида болаларни спорт билан шуғулланишга кўпроқ жалб этиш. | 2014 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги | - | - | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. |
| 81. | 2014 — 2017 йиллар мобайнида таълим ва ўқув-машғулот жараёнини комплекс модернизация қилиш чора-тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш:<br>асосий олимпиада спорт турларини қамраб олган 12 та республика ва вилоятлар олий спорт маҳорати мактабларини; | Тадбирларни ишлаб чиқиш — 2014 йил II чорак<br>Амалга ошириш — 2014 — 2017 йиллар | | 3 400,0 | Болалар спорти жамғармаси, шунингдек Инвестиция дастурлари доирасида бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Олий тоифали спортчилар, мураббийлар, инструктор ва мутахассисларни тайёрлаш тизимларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини якунига етказиш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 3 mart holatiga





| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида тренерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш замонавий илмий методика марказини ташкил этиш. | | | 6 000,0 | | |
